

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ  
ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ****131 Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2434*

Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 141-модда), «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 124-модда) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сонли «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 437-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ****А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 29 январь,  
2-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё  
транспорти агентлиги бошлиғининг 2013 йил  
29 январдаги 2-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари)  
айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи  
ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 437-модда) мувофиқ, шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни (кейинги ўринларда гувоҳнома деб юритилади) бериш тартибини белгилайди.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**аризачи** — гувоҳнома олиш учун тегишли шаҳар йўловчи транспортни бошқариш органига ариза билан мурожаат этган шахс;

**шаҳар йўловчи транспортни бошқариш органлари** (кейинги ўринларда ШЙТБО деб юритилади) — Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳамда вилоят маркази ҳисобланган шаҳарлар, шунингдек Нукус шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги йўловчи транспортни бошқариш ташкилотлари;

**гувоҳнома** — мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ШЙТБО томонидан бериладиган, қатъий ҳисобда турадиган, белгиланган намунадаги, эгасининг номи ёзилган ҳужжат;

**гувоҳномалар реестри** — гувоҳномалар бериш бўйича маълумотлар электрон тарзда шакллантириладиган база.

2. Эски намунада берилган гувоҳномалар мазкур Низом кучга киргандан кейин олти ой мобайнида ўз кучини сақлаб қолади.

3. Гувоҳнома эгаси Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга.

4. ШЙТБОНинг жойлашган ери (почта манзили), телефон рақамлари, масъул шахслар ва уларнинг ишлаш жадвали, гувоҳномаларни бериш тўғрисидаги ахборотлар манфаатдор шахслар эътиборига мазкур ахборотларни оммавий ахборот воситалари, жумладан ШЙТБОНинг Интернетдаги расмий веб-сайтида эълон қилиш, ШЙТБО биносининг кириш жойларида барчанинг танишиб чиқиши қулай бўлган жойларига осиб қўйиш орқали етказилади.

5. Гувоҳнома олиш бўйича мурожаат этган фуқароларга зарур ахборотлар такдим этиш ва гувоҳномаларни расмийлаштириш учун ШЙТБО раҳбари томонидан масъул ходим тайинланади.

6. «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 141-модда) мувофиқ, қуйидаги шахслар шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга:

1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;

Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс.

Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларга гувоҳнома берилмайди. Улар ҳарбий гувоҳномаси ёки контракт асосида хизмат қилувчининг шахсий гувоҳномасини кўрсатган тақдирда шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

7. 1941 — 1945 йиллардаги урушнинг I гуруҳ ногирони ва кўзи ожиз ногиронларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар учун мазкур Низомнинг 2-илоvasига мувофиқ шаклда варақа берилади. Мазкур варақа гувоҳнома эгасига ҳамроҳлик қилиш вақтидагина ҳақиқий ҳисобланади.

8. Гувоҳнома эгаси:

гувоҳномасини асраб-авайлаши, унинг бошқа шахсга берилишига, йўқолишига ва ярқсиз холга келишига йўл қўймаслиги;

гувоҳнома йўқолган тақдирда, дарҳол гувоҳнома берган ШЙТБОга ёзма равишда мурожаат қилиши лозим.

9. Гувоҳнома бланкалари ва варақалари қатъий ҳисобда турадиган ва белгиланган ҳимоя чизиғига эга ҳужжат бўлиб, ҳисобга олиш серияси ва тартиб рақамига эга бўлади.

10. Гувоҳномалар оч яшил рангда тайёрланиб, ўртасига Ўзбекистон Республикаси давлат чегаралари контурларининг кўриниши жойлаштирилади.

11. Гувоҳнома бланкалари ва варақалари тегишли ШЙТБОнинг буюртмасига асосан, «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ягона намунада тайёрланади. Гувоҳнома бланкалари ва варақаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун ШЙТБО раҳбари жавобгардир.

12. Гувоҳнома ва варақа чекланмаган муддатга берилади.

13. Гувоҳнома ва варақа унинг эгасига юқларини бағаж шаклида текин ташиш ҳуқуқини бермайди.

14. Гувоҳномани бошқа шахсларга бериш тақиқланади. Гувоҳномадан бошқа шахснинг фойдаланганлиги ҳолати аниқланса, гувоҳнома олиб қўйилади ва гувоҳномани берган ШЙТБОга юборилади.

## **II боб. Гувоҳнома олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва берилган гувоҳномаларни рўйхатга олиш**

15. Гувоҳнома олиш учун фуқаро ёки у ваколат берган шахс томонидан доимий яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи бўйича ШЙТБОга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза;

3 x 4 см ўлчамдаги иккита фотосурат;

фуқаролик паспорти;

мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган тоифага киришини тасдиқловчи ҳужжат.

16. ШЙТБОнинг масъул ходими томонидан мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

17. Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиққанлик ва гувоҳнома берганлик учун йиғим ундирилмайди. Гувоҳнома мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин дарҳол берилади. Мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган фуқароларга уларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар учун варақа ҳам қўшиб берилади.

18. Гувоҳномаларни бериш бўйича маълумотлар Гувоҳномаларни қайд этиш журналида (кейинги ўринларда Журнал деб юритилади) ва гувоҳномалар реестрида рўйхатга олинади.

19. Журналда ва гувоҳномалар реестрида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

гувоҳнома олиш учун ариза берилган сана;

фуқаронинг турар жой манзили, фуқаролик паспортининг серияси ва рақами;

берилган гувоҳноманинг серияси ва рақами;

фуқаронинг мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган шахслар тоифасига киришини тасдиқловчи ҳужжат тури ва рақами.

20. Фуқаро гувоҳнома олганлигини Журналга имзо қўйиш орқали тасдиқлайди.

21. Журнал варақлари рақамланган, ип ўтказиб боғланган ҳамда ШЙТБО раҳбари имзоси ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Тегишли маълумотлар Журналга кетма-кетликда тартиб билан қайд этилади. Журналга асоссиз равишда қўшимча ёзувлар киритилишига йўл қўйилмайди.

22. Гувоҳномалар реестридаги маълумотлар ШЙТБОнинг Интернетдаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва барчанинг танишиб чиқиши учун очик ҳисобланади.

### **III боб. Гувоҳномани дубликати бериш, алмаштириш ва уни бекор қилиш**

23. Гувоҳнома йўқотиб қўйилган тақдирда, фуқарога гувоҳноманинг дубликати бериледи.

24. Гувоҳнома дубликати олиш учун гувоҳнома эгаси ШЙТБОга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

гувоҳноманинг йўқолганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълон нусхаси;

топилмалар идорасининг гувоҳнома топилмаганлиги ҳақидаги маълумотномаси.

25. Гувоҳнома яроқсиз ҳолга келган тақдирда, гувоҳнома алмаштириб бериледи. Бунда, гувоҳнома эгаси яроқсиз ҳолга келган гувоҳномани ШЙТБОга топшириши лозим.

26. Гувоҳнома сохта ҳужжатлар тақдим этган ҳолда олинганлиги аниқланганда у бекор қилинади.

### **IV боб. Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни инвентаризация қилиш**

27. ШЙТБО томонидан молиявий йил якунида шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати ҳар йили инвентаризациядан ўтказилади.

28. ШЙТБО молиявий йил якунлангандан кейин ўттиз кун ичида гувоҳномалар реестридаги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳудудий органларига — 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари, 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган, Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар ва кўзи ожиз ногиронлар тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳудудий органларига — Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни инвентаризациядан ўтказиш учун юборади.

29. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Мудофаа вазирлигининг ҳудудий органлари томонидан гувоҳномалар реестри олингандан сўнг ўттиз кун ичида ШЙТБОга гувоҳномалар реестридан чиқиб кетган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ёзма равишда тақдим этадилар.

30. ШЙТБО тақдим этилган маълумотларга асосан, гувоҳномалар реестри ва Журналга тегишли ўзгартиришлар киритади.

#### **V боб. Гувоҳномаларни ва варақаларни ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш**

31. Фойдаланиш мумкин бўлмаган гувоҳномаларни ва варақаларни ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш ШЙТБО раҳбарининг буйруғи асосида ташкил қилинадиган комиссия томонидан амалга оширилади.

32. Гувоҳномаларни ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатномада гувоҳномаларнинг сериялари, тартиб рақамлари, сони ва қиймати, шунингдек ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш асослари кўрсатилади.

#### **VI боб. Яқуний қоидалар**

33. Мазкур Қоидаларнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

34. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги билан келишилган.

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*2013 йил 29 январь*

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири*

*А. ХАИТОВ*

*2013 йил 29 январь*

*Мудофаа вазири*

*К. БЕРДИЕВ*

*2013 йил 29 январь*

Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

10 (562)-сон

**Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул  
юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳноманинг шакли**

а) гувоҳноманинг олд томони:

90 мм

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SHAHAR YO‘LOVCHILAR TRANSPORTIDA**  
**(TAKSIDAN TASHQARI) BEPUL YURISH UCHUN**  
**GUVOHNOMA**  
**O‘zR № 000000**

Familiyasi \_\_\_\_\_  
Ismi \_\_\_\_\_  
Otasining ismi \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (rahbar imzosi, muhri)

Guvohnoma 20\_\_\_\_-yil  
\_\_\_\_ da berildi.

**HIMOYA CHIZIG‘I**

60 мм

б) гувоҳноманинг орқа томони:

**ESLATMA**

1. Ushbu guvohnoma egasi shahar hududida yo‘lovchilar transportida (taksidan tashqari) bepul yurish huquqiga ega.
2. Guvohnomani boshqa shaxslarga foydalanish uchun berish taqiqlanadi.
3. Guvohnoma \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

tomonidan cheklanmagan muddatga berilgan.

— 71 —

131-модда

Шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқини берувчи varaқанинг шакли**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**

**SHAHAR YO‘LOVCHILAR TRANSPORTIDA  
(TAKSIDAN TASHQARI) BEPUL YURISH  
HUQUQINI BERUVCHI  
VARAQA**

O‘zR № \_\_\_\_\_

Varaqa \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ tomonidan berilgan.

Rahbar \_\_\_\_\_  
(F.I.O., imzosi va muhr)

Varaqa 20 \_\_\_\_-yil \_\_\_\_\_ da berildi.

**Eslatma:**

Ushbu varaqa faqat O‘zR № \_\_\_\_\_ guvoohnoma egasiga hamrohlik qilish vaqtidagina haqiqiydir.

90 мм

60 мм



10 (562)-сон

— 73 —

131-модда

Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(ШЙТБОнинг номи)

### А Р И З А

Мен, \_\_\_\_\_,  
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ да яшовчи,

\_\_\_\_\_ бўлиб,

(қайси тоифага кириши)

менга шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома беришингизни сўрайман.

Аризамга 3x4 см ўлчамдаги иккита фотосуратимни илова қилдим.

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. ва имзо)

\_\_\_\_\_  
(ариза берилган сана)